

Ҳаҷ китоби

Муқаддима

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга салоту дурудлар бўлсин.

Ҳаж китоби деганда ҳажга борувчиларга аталган кичик кулланмани тушиниб қолганмиз. Аслида эса, ҳаж китоби кўпроқ катта фикҳ китобларимиз ичида бўлади. Шу билан бирга, ҳажга аталган катта китоблар ҳамбор. Машҳур ҳанафий олим Мулло Алий Қори р.а.нинг ҳаж ва умра ҳақида катта ҳажмдаги шарҳ китоби бор. Бундан ташқари, Ҳанафий мазҳабида келган ҳукмларнинг ҳаммаси оят ва ҳадисга мувофиқлигини исбот қилувчи “Эълоус Сунан”номли машҳур китобнинг бутун бошли ўнинчи жилди ҳажга бағишланган.

Албатта, Исломнинг беш рукнидан бири бўлган ҳаж ибодати атрофлича баён қилишга арзигули ҳукмларга бой.

Ҳажни ният қилганидан бошлаб гуноҳларидан онадан туғилган пайтдагидек пок бўлиш ҳаракатига тушиш керак. Тайёргарлик кўриб олиб, ҳаж давомида бирор оғиз фаҳш сўзларини айтмай, фисқу-фасод қилмай юрса, ўша банда, иншааллоҳ, муродига етади.

Ҳаж қилиш нияти билан эҳром боғлаган киши ўша пайтдан бошлаб то ҳаж амалларини адо этиб бўлгунича ибодатда бўлади. Ҳар бир ҳожи ушбу ҳақиқатни бир лаҳза ҳам унутмаслиги лозим.

Ҳажи мабрур ҳам риё ва гуноҳ ишлардан холи бўлган, сахийлик ҳамда ҳусни хулқ ила адо этилган ҳаждир. Ҳаж қиладиган одам жаннатни касб қилиш учун мислсиз катта имкониятга эга бўлади. Ҳаж қилувчи динимизнинг беш рукнидан бири бўлган бу улкан ибодатни адо этиш пайтида риё ва гуноҳ ишлардан холи бўлса, сахийлик ҳамда ҳусни хулқ билан ҳажни адо этса мазкур ваъда қилинган нарсга эришади.

Ҳаж ибодати ҳам бошқа ибодатлар катори одоб ахлоқ масалаларига боғлиқдир. Мусулмон инсон бу ибодатни адо этиш жараёнида ҳам ўзининг одоби ва ахлоқини сақлаш имконига эга бўлади. Ислом уммати ўз бошидан жуда оғир кунларни ўтказган, аммо ҳаж ёки умра тўхтаб қолмаган. Ҳатто сел келиб ҳарами шарифнинг ичига сув тўлиб қолганда ҳам кишилар сузиб, ёғочга миниб бўлсада, байтуллоҳни тавоф қилишда давом этишган.

Шу билан бирга ҳаж ва умра энг афзал ва фарз ибодатлардан ҳисобланади.

کتاب الحج

Мавзу: Ҳаж китоби

Режа:

1. Ҳажнинг луғавий ва истилоҳий маъноси.
2. Ҳажнинг фазилати.

Ҳаж луғатда: қасд қилмоқ.

Ҳаж истилоҳда: муайян бир жойни маълум вақтда қасд қилиб боришига айтилади.

Оятдан далил:

قال الله تعالى: و لله علي الناس حج البيت من استطاع اليه سبيلا {آل عمران 97}

“Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир”.

Ҳадисдан далил:

عن ابي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: من حج لله فلم يرفث و لم يفسق رجع كيوم ولدته امه {متفق عليه}

Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Ким ҳажни жимоъсиз ва бузуқликсиз Аллоҳ учун қилса, она дан туғулгандек қайтибди”.

عن ابي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: العمرة الي العمرة كفارة لما بينهما و الحج المبرور ليس له جزاء الا الجنة {متفق عليه}

Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Икки умра орасидаги гуноҳлар кечирилгандир ва ҳажнинг мукофоти жаннатдир”.

Мавзу: Ҳажнинг шартлари

Режа:

1. Ҳажнинг шартлари баёни.
2. Вояга етмаган боланинг ҳажи.

فرض على حرّ مسلم مكّلف صحيح بصير له زاد و راحلة

Ҳаж озод, мусулмон балоғатга етган, кўзи соғлом, озуқаси ва улови бўлган кишига фарздир.

عن أنس رضي الله عنه في قوله تعالى: " قال الله تعالى: و لله علي الناس حج البيت من استطاع اليه سبيلا " قيل: يا رسول الله! ما السبيل؟ قال: "الزاد و الراحلة" أخرجه الحاكم

Анас р.а. дедилар: “Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деди: “Йўлга қодир бўлган кишиларга Аллоҳ учун ҳаж қилмоқлиги фарздир”. Расулуллоҳ с.а.в.га дедилар: “Йўл дегани нима?” Расулуллоҳ с.а.в. озиқ овқат ва улов дедилар”.

فضلا عما لا بدّ منه وعن نفقة عياله الى حين عوده مع امن الطريق

Ва йул тинч бўлиши билан бирга ҳаждан кайтгунича оиласига етадиган озиқасидан ортикча моли бўлиши шарт.

والزوج اوالمحرم للمرأة ان كان بينهما وبين مكة مسيرة سفر

Уйи ва Макка ораси сафар масофасича булган аёлга эри ёки махрами бўлишлиги шарт.

عن ابن عمر مرفوعا: لا تسافر المرأة ثلاثا إلا و معها ذو محرم. و في لفظ: ثلاثا ليال. و في لفظ: فوق ثلاث أخرجه الشيخان

Абдуллоҳ ибн Умар р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Аёл уч кунлик сафарга маҳрамсиз чиқмайди”.

فى العمر مرة علي الفور

Ҳаж умрида бир маротаба тезлик билан бажариладиган амалдир.

عن ابن عباس، عن النبي صلى الله عليه وسلم قال:تعجلوا الي الحج يعني الفريضة فان احدكم لا يدري ما يعرض له. {رواه أحمد}

Ибн Аббос р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Ҳажга шошилинглар, чунки киши нималарга йўлиқишини билмайди”.

عن ابي هريرة قال: خطبنا رسول الله صلى الله عليه وسلم فقال: يا أيها الناس! قد فرض الله عليكم الحجّ فحجّوا، فقال رجل: أكل عام يا رسول الله؟ فسكت حتي قالها ثلاثا، فقال النبي صلى الله عليه وسلم: لو قلت: نعم، لو جبت، و لما استطعتم. {رواه أحمد، مسلم، النساء}

Абу Ҳурайра р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. бизларга хитоб қилиб айтдилар. “Эй, одамлар, Аллоҳ сизларга ҳажни фарз этди, Ҳаж қилинглар”. Шунда бир киши “ҳар йилми?”, деб уч марта сўрагандан сўнг Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Агар “ҳа”, деганимда вожиб бўлар эди, сизлар унга қодир бўлмас эдингизлар”, дедилар.”

ولو احرم صبيّ فبلغ او عبد فعنق فمضى لم يؤدّ فرضه

Балоғатга етмаган бола эҳром боғласа сўнг балоғатга етса, кул озод килинса, ҳаж амалини давом этиради. Агарчи килган ҳаж фазр ўрнига ўтмаса ҳам.

ولو جدد الصبيّ احرامه للفرض صحّ لا العبد

Балоғатга етган гўдак эҳромини янгиласа, фазр урнига ўтади. Лекин кулнинг ҳаж утмайди.

Мавзу: Ҳажнинг фазр ва вожиблари

Режа:

1. Ҳажнинг фазри баёни.
2. Ҳажнинг вожиби баёни.
3. Ҳаж ойлари баёни.

وفرضه الاحرام والوقوف بعرفة وطواف الزيارة

Ҳажнинг фазри эҳром, арафада туришлик, зиёрат тавофидир.

وواجبه وقوف جمع والسعي بين الصفا والمروة ورمي الجمار وطواف الصدر للآفاقي والحلق

Ҳажнинг вожиби муздалифада жам булишлик, сафо ва марва орасида сайъ килишлик, тошлар отишлик, узоқдан келганларга видолашув тавофини килишлик ва соч олишликдир.

وغيرها سنن واداب

Бундан бошка амаллар суннат ва мустахабдир.

واشهره شوال وذوالقعدة وعشر ذي الحجة

Ҳаж ойлари шаввол, зул қаъда ва зул ҳижжанинг ўн кунлигидир.

عن ابن عمر رضى الله عنهما : انه قال اشهر الحجّ : شوال , وذوالقعدة ، وعشر من ذى الحجة . علقه البخارى

Ибн Умар р.а. дедилар: “Ҳаж ойлари; шаввол, зул қаъда ва зул ҳижжанинг ўн куни”.

وكره احرامه قبلها .

Ҳаж ойларидан олдин эҳром боғлашлик макрухдир.

والعمرة سنّة وهى طواف وسعي وجازت في كلّ سنة

Умра суннати муаккададир. Умрани ҳар йил қилишлиги жоиз. Унинг шарты тавоф, сафо ва марвада сайъ қилишдир.

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : " عمرة في رمضان تعدل حجة " . رواه الجماعة إلا الترمذى

Ибн Аббос р.а. дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Рамазон ойидаги умра ҳажга тенг”.

عن ابن مسعود مرفوعا : "تابعوا بين الحجّ والعمرة ، فان متابعة بينهما تنفي الذنوب والفقر كما ينفي الكير خبث الحديد ، وليس للحجّة المبرورة ثواب الاّ الجنة " اخرجه الترمذى

Ибн Масъуд р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Ҳаж билан умрани кетма – кет қилаверинглар, чунки кетма – кетлик гуноҳларни, фақирликни кетгизади, олов темирнинг зангини кетгизгани каби. Ҳажнинг савоби жаннатдир”.

عن جابر رضي الله عنه : انّ النبيّ صلى الله عليه وسلم سال عن العمرة أواجبة هى ؟ قال : "لا، وان تعتمروا هو افضل " . رواه الترمذى

Жобир р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в.дан умра ҳақида сўрадилар. У вожибми?, дедилар. Расулуллоҳ с.а.в. йўқ деб жавоб бердилар. Ва лекин умра қилмоқлик афзалдир”.

وكرهت في يوم عرفة واربعة بعدها

Арафа кунида ва ундан кейин тўрт кун умра қилиш макруҳ.

Мавзу: Мийқотлар

Режа:

1. Мийқотлар баёни.
2. Ҳаж турлари баёни.
3. Талбия баёни.

ومىقات المدينى ذوالحليفة والعراقي ذات عرق والشامى جحفة والنجدى قرن واليمنى يللم

Мадинанинг мийқоти зул - ҳулайфа, Ироқнинг мийқоти зоту - ирк, Шомнинг мийқоти жуҳфа, Нажднинг мийқоти қаран, Яманнинг мийқоти яламлам.

عن ابن عباس، وقت رسول الله صلى الله عليه وسلم لأهل المدينة ذا الحليفة، و لأهل الشام الجحفة، و لأهل نجد قرن المنازل، و لأهل اليمن يلملم، قال: فهن لهن ولمن أتى عليهن من غير أهلهن لمن كان يريد الحج و العمرة، فمن كان دونهن فمهله من أهله، و كذلك حتي أهل مكة يهلون منها. {متفق عليه}

Ибн Аббос дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. Мадина аҳли учун Зул ҳулайфани, Шом аҳли учун Жуҳфани, Нажд аҳли учун Қарнул манозилни ва Яман аҳли учун Яламламни эҳром боғлайдиган жой қилдилар”. Булар шу аҳллар учун ва шу йўлдан келгувчилар учун. Мийқот ичкарасида яшовчилар уйларида эҳром боғлайдилар. Ва макка аҳли ҳам, ўз уйларида эҳром боғлайдилар.

وحرّم تأخير الاحرام عنها لمن قصد دخول مكة لا التقديم

Маккага киришни қасд қилган киши учун мийқотдан ўтқариб эҳром боғлашлик ҳаромдир. Лекин мийқотдан олдин боғлашни зарари йўқ.

عن ابن عباس: أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: لا تجاوزوا المواقيت إلا بأحرام. {رواه ابن أبي شيبة}

Ибн Аббос р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Мийқотлардан эҳромсиз ўтиб кетманглар”.

وحلّ لأهل داخلها دخول مكة غير محرم

Макка аҳли учун эҳромсиз Маккага киришлик ҳалолдир.

وميقاته الحلّ ولمن بمكة للحجّ الحرم وللعمرة الحلّ

Ҳаж қилиш учун Макка ахлининг мийқоти, ҳарамдан эҳром боғлайди. Умра учун ҳилл деган жойдан эҳром боғлайди.

عن ابن عباس، في حديث طويل في المواقيت: فمن كان دونهن فمهله من أهله و كذلك حتي أهل مكة يهلون منها. {متفق عليه}

**ومن شاء احرامه توطّأ والغسل احبّ ولبس ازارا ورداء طاهرين وتطيّب
وصلّى شفعا**

Бир киши эҳром боғлашни хохласа таҳорат килади. Ғусл қилиш афзалдир. Эзор ва ридосини (остки ва устки эҳром) пок ҳолда, хушбўй қилиб кияди. Сўнг икки ракат намоз ўқийди.

عن ابن عمر رضي الله عنهما، قال: من السنة أن يغتسل إذا أراد أن يحرم. {رواه البزار، و الدارقطني، و الحاكم}

Ибн Умар р.а. дедилар: “Эҳром киядиган киши ғусл қилмоқлиги суннатдир”.

عن عائشة {أم المؤمنين} زوج النبي صلى الله عليه وسلم، قالت: كنت أطيّب رسول الله صلى الله عليه وسلم لأحرامه حين يحرم، و لحله قبل ان يطوف بالبيت. {رواه البخاري}

Оиша р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. эҳром кияётган пайтда эҳромларини хушбўйлантирамиз. Эҳромсиз бўлган вақтда байтуллоҳни тавоф қилмоқликдан олдин хушбўйлантирамиз”.

وقال المفرد بالحجّ اللهم انى اريد الحجّ فيسره لى و تقبله منى

Ёлғиз ҳажни ният қилган киши шундай дейди: «Эй Аллоҳим мен ҳажни хоҳлайман, менга ҳажни осон қил ва уни мендан қабул қил».

ثم لبيّ ينوى بها الحجّ وهى لبيك اللهم لبيك لا شريك لك لبيك انّ الحمد والنعمة لك والملك لا شريك لك ولا ينقص منها وان زاد جاز فصار محرما

Сўнг ҳажни ният қилиб талбия айтади. Талбия ушбу лафзлардир: «Лаббай дейман сенга Аллоҳим, сенга шерик йўқдир. Албатта барча мақтов, неъмат ва мулк сеникидир. сенинг шерикинг йўқдир». Ушбу лафзлардан бирор бир нарсани кам қилмайди. Агар зиёда қилса зарари йўқ. Шу лафзларни айтиш билан муҳрим бўлади.

عن ابن عمر: عن النبي صلى الله عليه وسلم كان اذا استوت به راحلته قائمة عند مسجد ذي الحليفة أهل، فقال: اللهم لبيك لبيك، لا شريك لك لبيك، إن الحمد و النعمة لك، و الملك لك، لا شريك لك. و كان عبد الله يزيد مع هذا: "لبيك لبيك و سعديك، و الخير بيدك، و الرغباء إليك و العمل" {متفق عليه}

Ибн Умар р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. уловга миниб, Зул хулайфа масжидини ёнида туриб, шундай дер эдилар. “Аллоҳумма, лаббайка ла шарийка лака лаббайка иннал ҳамда ван ниъмата лака вал мулку ла шарийка лака” Абдуллоҳ ушбу сўзни зиёда қилар эдилар. “Лаббайка ва саъдайка вал хойру биядика вар рағбату илайка вал амалу”

Мавзу: Эҳромда манъ қилинган амаллар

Режа:

1. Манъ қилинган амаллар баёни.
2. Манъ қилинмаган амаллар баёни.

فَيَتَّقِي الرِّفْثَ وَالْفُسُوقَ وَالْجِدَالَ وَقَتْلَ صَيْدِ الْبَرِّ وَالْإِشَارَةَ إِلَيْهِ وَالِدَّلَالَ عَلَيْهِ
وَالْتَّطِيبَ وَقَلَمَ الظَّفَرِ وَسِتْرَ الْوَجْهِ وَالرَّأْسَ وَغَسْلَ رَأْسِهِ وَلِحِيَّتَهُ بِالْخَطْمَى
وَقَصَّهَا وَحَلَقَ رَأْسَهُ وَالشَّعْرَ بَدَنَهُ وَلَبَسَ مَخِيطَ وَعِمَامَةَ وَخَفَيْنَ وَالْمَصْبُوغَ
بَطِيبٍ

Эҳромдаги киши жимоъ қилишдан, фосиқ ишлардан, тортишишликдан, қуриқликдаги овларни ўлдиришдан, уни ўлдиришликка ишора қилишдан, хушбўйлик сепишдан, тирноғини олишдан, юзини ва бошини беркитмоқликдан бош ва сақолини хитмий бир хушбўйлик билан ювишдан, сочини ёки баданидаги тукни олишдан, тигилган кийим кийишдан, салла ва маҳси кийишдан, хушбўйликка бўялган кийим кийишдан сақланади.

عن جابر، أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: صيد البرِّ لكم حلال و أنتم حرم ما لم تصيدوه أو يصاد لكم. {رواه الخمسة إلا ابن ماجه}

عن ابن عمر، قال: سئل رسول الله صلى الله عليه وسلم ما يلبس المحرم؟ قال: لا يلبس المحروم القميص، و لا العمامة، و لا البرنس، و لا السراويل، و لا ثوبا مسه ورس و لا زعفران، و لا الخفين إلا ان لا يجد نعلين فليقطعهما حتي يكونا أسفل من الكعبين {رواه الجماعة}

Ибн Умар р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. дан эҳромли киши нима кийишини сўрадилар. Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Эҳромли киши кўйлак, салла, бошга киядиган нарсаси, шим ва шунингдек хушбўйлик сепилган кийим киймайди. Маҳси ҳам киймайди аммо оёқ кийим топа олмаса маҳсини соқдан юқорисини кесиб кияди””.

الأ بعد زواله لا الاستحمام والاستظلal ببيت او بمحمل وشذ هميان فى
خصره

Лекин хушбуйлиги кетганидан кейин кийса зарари йўқ. Ювинса, уй ёки юкнинг соясида турса ва белига ҳамёнини боғлаб қўйса зарари йўқ.

عن أم الحصين قالت: حججنا مع رسول الله صلى الله عليه وسلم حجة الوداع فرأيت أسامة وبلالا واحدهما أخذ بخطام ناقة النبي صلى الله عليه وسلم والآخر رافع ثوبه يستتره من الحر حتى رمى جمرة العقبة. وفي رواية: والآخر رافع ثوبه على رأس النبي صلى الله عليه وسلم يظله من الشمس. رواه احمد و مسلم

Умму Ҳусайн дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. билан видолашув ҳажини қилдик, Усома билан Билолни бирлари Расулуллоҳ с.а.в.нинг туяларининг юганини ушлаётганини ва бирлари кийимини кўтариб иссиқликдан тўсаётганини кўрдим. Ақобада тошни отгунга қадар. Ва бир ривоятда бирлари Расулуллоҳ с.а.в.нинг бошларига кийимини кўтариб қуёшдан соялантираётганини кўрдим.”

واكثر التلبية متى صلى او علا شرفا او هبط واديا او لقي ركبا او اسحر

Намоз ўқиганда, баландликка чиқса ёки тушса, уловликка йўлиқса, саҳарлик пайтида талбияни кўп айтади.

Мавзу: Тавофи қудум

Режа:

1. Тавофи қудум баёни.
2. Қора тошни ўпиш баёни.
3. Мақоми Иброҳим баёни.

واذا دخل مكة بدأ بالمسجد وحين رأى البيت كبر وهلل ودعا

Маккага киришда харамдан бошлайди. Каъбани кўрганда такбир ва таҳлил айтиб дуо қилади.

عن عائشة رضى الله تعالى عنها: ان النبي صلى الله عليه وسلم أول شئ بدأ به حين قدم مكة أنه توضأ ثم طاف بالبيت. متفق عليه

Оиша р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. Маккага келганларида биринчи бўлиб таҳорат қилиб, байтуллоҳни тавоф қилар эдилар.”

ثم استقبل الحجر وكبر وهلل يرفع يديه كالصلوة

Сўнг тошни ўпиб, намоздагидек қўлини кўтариб такбир ва таҳлил айтади.

واستلمه ان قدر غير موز والا يمس شيئا في يده و قبله

Агар қодир бўлса озор бермай тошни ўпади. Агар қодир бўлмаса қўлидаги бирор нарсани тошга текизиб уни ўпади.

عن جابر ان النبي صلى الله عليه وسلم لما قدم مكة دخل المسجد فاستلم الحجر ثم مضى. رواه مسلم

Жобир дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. Маккага келганларида масжидга кирдилар, тошни ўпиб сўнг тавоф қила бошладилар.”

عن نافع قال: رأيت ابن عمر استلم الحجر بيده ثم قبل يده و قال: ما تركته منذ رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم يفعله. متفق عليه

Нофеъ р.а. айтдилар: “Мен ибн Умарни қўлини тошга теккизиб сўнг қўлини ўпаётганини кўрдим. Ва ибн Умар айтдиларки: “Расулуллоҳ с.а.в.ни шундай қилганликларини кўрганимдан бери бу ишни тарк қилганим йўқ””.

وان عجز استقبله وكبر وهلل وحمد الله تعالى وصلى على النبي عليه الصلوة والسلام

Агар тошни ўпишликка ожиз бўлса, тош томон юзланиб такбир ва таҳлил, Аллоҳга ҳамд пайғамбарга саловот айтади.

عن ابن عمر: أنه كان اذا استلم الحجر قال: بسم الله والله أكبر. رواه البيهقي والطبرانی

Ибн Умар р.а. тошни ўпсалар, “бисмиллаҳи валлоҳу акбар”, дердилар.

وطاف طواف القدوم وسنّ للآفاقي

Ва тавофи қудумни узоқдан келганларга суннат бўлгани учун қилади.

آخذا عن يمينه مما يلي الباب وراء الحطيم سبعة اشواط يرمل في الثلاثة الاول مضطبعا

Ўнг елкасини одамлар томонига қилиб, эшик яқинидан бошлайди. Ҳатимнинг орқасидан аввалги уч айланишда дўкиллаб, ўнг елкасини очган ҳолда тавоф қилади.

عن جابر: ان رسول الله لما قدم مكة بدأ بالحجر فاستلمه ثم أخذ عن يمينه فرمل ثلاثة أشواط و مشي أربعاً أخرجه مسلم

Жобир р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. Маккага келганларида тошни ўпишлик билан бошлар эдилар, уч тавофда дўккиллаб ва қолган тўрттасида оддий юрардилар”.

وكلما مرّ بالحجر فعل ما ذكر

Ҳар вақт тошнинг олдидан ўтганда юқоридаги зикр қилинган амалларни бажаради.

واستلام الركن اليماني حسن

Ва «рукнул ямоний» ни ўпишлик яхшидир.

وختم الطواف باستلام الحجر ثم صلى شفعا تجب بعد كل طواف عند المقام او غيره من المسجد

Тавофни, тошни ўпишлик билан тугатиб. Ҳар тавофдан сўнг мақоми Иброҳимда ёки масжиднинг бошқа бир жойида икки ракат намоз ўқийди.

عن جابر: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم لما انتهى الى مقام ابراهيم قرأ: (واتخذوا من مقام ابراهيم مصلى) فصلّى ركعتين فقرأ فاتحة الكتاب و قل يا ايّها الكافرون و قل هو الله احد ثم عاد الى الركن فاستلمه ثم خرج الى الصفا. رواه احمد و مسلم

Жобир р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. мақоми Иброҳимга етганларида ушбу оятни ўқидилар, **“Мақоми Иброҳимни намозгоҳ қилиб олинглар”** ва икки рақъат намоз ўқиб, биринчи рақъатда “Кафирун”, иккинчи рақъатда “Ихлос” сурасини ўқидилар. Кейин тошга қайтиб, уни ўпдилар, сўнгга эса Сафога чиқдилар”.

Мавзу: Сафо ва марво

Режа:

1. Сафо ва марводаги саъй баёни.
2. Сафо ва марвадаги қилинадиган амаллар.

ثم عاد واستلم الحجر وخرج فصعد الصفا واستقبل البيت وكبر وهلل وصلى على النبي عليه الصلوة والسلام ورفع يديه ودعا بما شاء

Сўнг қайтиб тошни ўпиб, сафога кўтарилиб, каъбага қараб, такбир ва таҳлил Пағамбар алайхиссаломга саловот айтиб, қўлини кўтариб дуо қилади.

عن ابي هريرة رضى الله عنه: أن النبي صلى الله عليه وسلم لما فرغ من طوافه أتى الصفا فعلا عليه حتى نظر الى البيت ورفع يديه فجعل يحمد الله ويدعو ما شاء أن يدعو. رواه مسلم و ابو داود

Абу Ҳурайра р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. тавофни тугатганларидан сўнг Сафога келиб, байтуллоҳга қарадилар, икки қўлларини кўтариб, Аллоҳга шукрлар айтиб, дуолар қилдилар”.

ثُمَّ مَشَىٰ نَحْوَ الْمَرْوَةِ سَاعِيًا بَيْنَ الْمِيلَيْنِ الْأَخْضَرَيْنِ

Марва томон бориб икки яшил чизикқа тезроқ юради.

فَصَعَدَ فِيهَا فَعَلَ مَا فَعَلَ عَلَى الصَّفَا

Марвага чиқиб сафода қилган амалларни бажаради.

ثُمَّ سَعَىٰ إِلَى الصَّفَا فَصَارَ اثْنَيْنِ يَفْعَلُ هَكَذَا سَبْعًا

Сўнг қайтиб сафо томон боради. Ва бу иккинчи сайъ бўлади. Шу ҳолда етти бор сайъ қилиди.

ثُمَّ سَكَنَ بِمَكَّةَ مُحْرَمًا وَطَافَ نَفْلًا مَا شَاءَ

Маккада муҳрим ҳолда туриб, хохлаганча нафл тавофларни қилади.

وخطب الامام سابع ذى الحجة وعلم المناسك ثم التاسع بعرفات ثم الحادى عشر بمنا

Имом зул ҳижжанинг еттинчи куни, тукқизинчи куни арафада ва ўн биринчи куни минода ҳаж амалларини билдиради

Мавзу: Мино ва арафа

Режа:

- 1. Минода қилинадиган амаллар баёни**
- 2. Арафада қилинадиган амаллар баёни.**

ويخرج غداة التروية الى منا ومكث بها الى فجر عرفة ثم منها الى عرفات وكلها موقف الا بطن عرنة

Тарвия куни (зулҳижжанинг 8 куни) минога бориб, унда арафанинг бомдодигача туради (Пешин, аср, шом, ҳуфтон ва бамдодни ўқийди). Минодан кейин арафага келади ва батни урана деган жойда турмайди.

عن جابر فى حديثه الطويل قال: لما كان يوم التروية توجهوا الى منى فأهلوا بالحج وركب رسول الله صلى الله عليه وسلم فصل بها الظهر والعصر والمغرب والعشاء والفجر

ثم مكث قليلا حتى طلعت الشمس وأمر بقبة من شعر تضرب له بنمرة فزار رسول الله صلى الله عليه وسلم ولا تشك قریش أنه واقف عند المشعر الحرام كما كانت قریش تصنع فى الجاهلية فأجاز رسول الله صلى الله عليه وسلم حتى أتى عرفة . الحديث مختصر رواه مسلم

Жобир р.а. дедилар: “Тарвия куни инсонлар ҳажни ният қилиб, Минога юзландилар. Расулуллоҳ с.а.в. уловда эдилар. Минода пешин, аср, шом, хуфтан ва бомдодни ўқиб қуёш кўтарилгунча турдилар, сўнгра Арафотга келдилар.”

فاذا زالت الشمس خطب الامام كالجمعة وجمع بين الظهر والعصر باذان واقامتين وشرط الجماعة والاحرام فيهما

Қуёш завола бўлганидан сўнг имом жумаъ каби хутба қилади. Ва бир азон икки такбир билан пешин ва асрни жамъ қилиб (пешин вақтида қаср қилиб) ўқийди. Шарти жамоат ва эҳромли бўлиши керак.

فلا يجوز العصر لفأقد احدهما

Икки шартдан бири бўлмаса аср намози жоиз бўлмайди.

ثم ذهب الى الموقف بغسل سنّ ويكفى حضور ساعة من زوال عرفة الى فجر يوم النحر ولو نائما او مغمى عليه او اهلّ عنه رفيقه او جهل أنّها عرفة

Имом билан бирга мавқиф деган Раҳмат тоғи ёнидаги жойга ғусл қилиб боришлиги суннатдир. Арафада бир лаҳза туришлик кифоядир. Арафанинг заволидан қурбонликнинг бомдодигача хох ухлаб, хох беҳуш, хох шериғи уни (яъни ухлаган ва беҳуш бўлганни) ўрнидан эҳром боғласа ёки у ер арафа эканлигини билмаса ҳам.

Мавзу: Муздалифа

Режа:

1. Муздалифада қилинадиган амаллар баёни.
2. Муздалифадан чиқиш баёни.

واذا غربت الشمس اتى مزدلفة وكلّها موقف الا وادى محسر وصلى العشائين فى وقت العشاء باذان واقامة

Қуёш ботганидан сўнг муздалифага келади. Лекин “водий мухассарда” турмайди. Бир азон ва қомат билан шом ва хуфтонни хуфтон вақтида ўқийди.

عن ابن عمر رضى الله تعالى عنهما قال: جمع رسول الله صلى الله عليه وسلم بين المغرب والعشاء بجمع صلى المغرب ثلاثا والعشاء ركعتين بقاءقامة واحدة.
رواه مسلم

Ибн Умар р.а. айтдилар: “Расулуллоҳ с.а.в. шом билан хуфтонни жам қилиб, шомни уч рақъат, хуфтонни икки рақъат бир такбир билан ўқидилар”.

وان ادى المغرب اعاد ما لم يطلع الفجر

Агар шомни арафада ўқиган бўлса, тонг чиққунга қадар қайтиб ўқийди. (Муздалифада)

ثم صلى الفجر بغسل ثم وقف ودعا واذا اسفر اتى منا

Бомдодни муздалифада қоронғи қилиб ўқийди. Ва ўтириб дуо қилади. Кун ёришса минога келади.

Мавзу: Тош отиш

Режа:

1. Тош отиш баёни.
2. Соч олиш баёни.
3. Зиёрат тавофи баёни.

ورمى جمرة العقبة من بطن الوادى سبعا خذفا و كبر بكل

Пастликдан етти бор чертган ҳолда жамаратул ақабада тош отади. Ҳар бир отганида такбир айтади.

عن الزهرى سمعت سالما يحدث عن أبيه عن النبي صلى الله عليه وسلم: أنه كان اذا رمى الجمرة رماها بسبع حصيات يكبر مع كل حصاة ثم ينصرف ولا يقف عندها.
رواه البخارى

Зухрийдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ с.а.в. тош отганда еттита тошнинг ҳар бирини такбир билан отар эдилар ва тўхтамасдан кетардилар”.

وقطع التلبية باولها ثم ذبح ان شاء ثم قصر و حلقه افضل وحل له الا النساء

Тошни отиш билан талбияни тўхтатади. Хохласа қурбонлик қилади, сочини қисқартиради, ҳаммасини олишлик афзал. Унга аёлдан бошқа ҳамма нарса ҳалол бўлади.

عن ابى هريرة رضى الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم "اللهم اغفر للمحلقين" قالوا: وللمقصرين قال: "اللهم اغفر للمحلقين" قالوا: وللمقصرين قالها ثلاثا قال: "وللمقصرين" رواه البخارى

Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ с.а.в.дедилар: “Эй, Илоҳим, сочини олганларни мағфират қилгин.” Сўрадилар, сочини қисқартирганларничи? Шу сўзни уч бор айтиб, сочини қисқартирганларни ҳам мағрифат қилгин дедилар”.

ثُمَّ طَافَ لِلزِّيَارَةِ يَوْمًا مِنْ أَيَّامِ النَّحْرِ سَبْعَةً بَلَا رَمَلٍ وَسَعِيَ أَنْ كَانَ سَعْيَ قَبْلِ

Қурбонлик кунларида тавофи зиёрат қилади. Ундан олдин сайъ қилган бўлса, сайъ қилмасдан ва дўкиллаб юрмасдан 7 бор тавоф қилади.

وَأَوَّلَ وَقْتِهِ بَعْدَ فَجْرِ يَوْمِ النَّحْرِ وَهُوَ فِيهِ أَفْضَلُ وَحَلَّ لَهُ النَّسَاءُ فَإِنْ أَخَّرَ عَنْهَا كَرِهَ وَيَجِبُ دَمٌ

Тавофни қурбонлик кунининг бомдодидан бошлаб қилиш афзалдир. Унга аёли ҳалол бўлади. Тавофни қурбонлик кундан кечиктирса макруҳ ҳисобланади. Ва бир қўй вожиб бўлади.

عن ابن عمر: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم أفاض يوم النحر ثم رجع فصلى الظهر بمنى متفق عليه

Ибн Умар р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. қурбонлик куни тавофни қилиб, Минога қайтдилар. Пешинни Минода ўқидилар”.

عن جابر: أن النبي صلى الله عليه وسلم رمى الجمرة يوم النحر ضحى ثم لم يرم فى سائر الأيام حتى زالت الشمس رواه مسلم

Жобир р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. қурбонлик куни чошгоҳ пайтида тош отдилар сўнг қолган кунлар заволдан кейин отдилар”.

و بَعْدَ زَوَالِ الثَّانِي النَّحْرُ رَمَى الْجَمَارِ الثَّلَاثَ يَبْدَأُ مِمَّا يَلَى الْمَسْجِدَ ثُمَّ يَلِيهِ ثُمَّ الْعَقَبَةَ سَبْعًا سَبْعًا وَكَبَّرَ بِكُلِّ

Иккинчи куннинг заволидан сўнг уч жойга тош отади. Минодаги масжид яқинидан (суғро)бошлайди, сўнг масжид яқинидаги (вусто). Ва ақаба (кубро) дан, еттитадан тош отиб ҳар бирига такбир айтади.

وَقُوفَ بَعْدَ كُلِّ مَنْ إِلَّا وَلِيَيْنِ وَدَعَا ثُمَّ غَدَا كَذَلِكَ ثُمَّ بَعْدَهُ كَذَلِكَ أَنْ مَكَثَ بِمَنْى وَهُوَ أَحَبُّ

Аввалги иккита тош отган жойда ўтириб дуо қилади. Ва эртаси кун ҳам худди шундай амалларни қилади(Яъни 3 жойга 7 тадан тош

отади).Агар минода қолса (тўртинчи кун) олдин қилган амалларини бажаради. Минога қолиб тош отиш яхшидир.

عن سالم: أن عبد الله بن عمر رضي الله عنهما كان يرمى الجمرة الدنيا بسبع حصيات يكبر على كل اثر حصة ثم يتقدم فيسهل فيقوم مستقبل القبلة قياما طويلا فيدعو و يرفع يديه ثم يرمى لجمرة الوسطى كذلك فيأخذ ذات الشمال فيسهل ويقوم مستقبل القبلة قياما طويلا فيدعو و يرفع يديه ثم يرمى الجمرة ذات العقبة من بطن الوادي ولا يقف و يقول: هكذا رأيت النبي صلى الله عليه وسلم يفعله
رواه البخارى

Солим р.а. дедилар: “Абдуллоҳ ибн Умар р.а. ҳар бир тошни отганда такбир айтиб, қўлларини кўтариб, тик турган ҳолатда дуо қилардилар. Сўнгра ўртанчи тош отадиган жойда тошни отиб, қиблага юзланиб тик турган ҳолатда дуо қилардилар, Ақобага тошни отиб, тўхтамасдан шундай дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. худди шундай қилганларини кўрдим.””

ويسقط بنفره قبل الفجر الرابع

Тўртинчи кун бомдодидан олдин минодан кетса тош отиш соқит бўлади.

واذا نفر الى مكة نزل بالمحصب ثم طاف للصدر بلا رمل وسعى وشرب من ماء زمزم

Маккага қайтганида “муҳассаб” деган жойда туришлик суннатдир.Сўнг қайтишдан олдин тавофи садрни сайъ қилмай, дўкилламай, тавоф қилади. Ва замзам сувини ичади.

عن ابن عباس قال: أمر الناس أن يكون آخر عهدهم بالبيت إلا أنه خفف عن المرأة الحائض.رواه الشيخان

Ибн Аббос дедилар: “Кишиларнинг охирги иши тавоф бўлсин, лекин бу ҳукмни ҳайз кўрган аёлларга енгиллаштирдилар”

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم خير ماء على وجه الارض ماء زمزم فيه طعام الطعم وشفاء السقم : رواه الطبرانى

Ибн Аббос р.а. дан ривоят қилинди: “Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Ер юзидаги энг яхши сув зам – зам сувидир, унда таом истагувчига таом, шифо истагувчига шифо бор!””

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : ماء زمزم لما شرب له فان شربته تستشفى به شفاك الله , وان شربته مستعيذا اعاذك الله ان شربته ليقطع ظمأك قطعه . قال : وكان ابن عباس اذا شرب ماء زمزم قال : اللهم اسألك علما نافعا , ورزقا واسعا وشفأ من كلّ داء . اخرجه الحاكم .

Ибн Аббосдан ривоят қилинди: “Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Зам – зам суви нима деб ичилса (ўша нарса учундир) агар шифо ниятида ичсанг Аллоҳ шифо беради, ёрдам ниятида ичсанг Аллоҳ ёрдам беради, сувсизликдан сақланиш ниятида ичсанг чанқоқликни қондиради”. Ибн Аббос зам – зам сувини ичганда шундай дедилар: “Аллоҳумма, асалука илман нафиъан ва ризқан васиъан ва шифаан мин кулли даин.””

وقبل العتبة ووضع وجهه و صدره على الملتزم وتشبّت بالاستار ودعا مجتهدا ويبكى متحسّرا ويرجع قهقريّ حتى يخرج من المسجد

Каъба остонасини ўпиб юзи ва кўксини мултазамга (қора тош билан эшик ораси) кўйиб, каъба пардаларига осилиб, тиришган ҳолда дуо қилиб, ҳасратланиб йиғлайди. Масжиддан чиққанда орқа билан чиқади.

Мавзу: Аёллар ҳажи

Режа:

- 1. Аёллар ҳажи баёни.**
- 2. Аёлларга манъ қилинган амаллар.**

والمرأة لا تكشف رأسها بل وجهها ولو سدلّت شيئاً عليه مجافيا جاز

Аёл бошини очмайди, лекин юзини очса бўлади. Юзига ёпишмаган бирор нарса ташласа жоиздир.

ولا تلبّي جهرًا ولا تسعى بين الميّلين ولا تحلق بل تقصّر وتلبس المخيط ولا تقرب الحجر في الزحام

Аёл талбияни жаҳрий айтмайди, икки яшил чизик орасида тез ҳам юрмайди, сочини олмайди балки қисқартиради. Ва тикилган нарса кияди ва издиҳом пайтида тошга яқинлашмайди.

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : ليس على النساء الحلق , إنّما على النساء التقصير . رواه ابو داود و دار قطنى .

Ибн Аббос р.а.дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Аёлларга соч олиш йўқ, балки сочнии қисқартириш бордир.””

وحيضها لا يمنع إلا الطواف .

Унинг ҳайз кўриши фақатгина тавофни ман қилади.

عن عائشة رضي الله عنها، قالت خرجنا لا نرى إلا الحجّ، فلمّا كنّا بسرف حضت، فدخل رسول الله صلّى الله عليه وسلّم و أنا أبكي، فقال: "ما لك؟ أنفست؟". قلت: نعم، قال: "إن هذا أمر كتبه الله علي بنات آدم، فاقضي ما يقضي الحجّ، غير ان لا تطوفي بالبيت حتي تطهري". أخرجه الشيخان.

Оиша р.а. дедилар: “Ҳаж ниятида чикдик йўлда ҳайз кўрдим. Расулulloҳ с.а.в. олдимга кирганларида йиғлаётган эдим. Сенга нима бўлди?, ҳайз кўрдингми?, деб сўрадилар. Мен ҳа деб жавоб бердим. Айтдилар бу ҳамма аёлларнинг бошида бордир, ҳажни давом эттиргин, фақатгина пок бўлмагунингча байтуллоҳни тавоф қилмагин.”

وفاء الحج طاف وسعى وتحلل وقضى من قابل

Ҳажни бузган киши тавоф ва сайъ қилади. Эҳромдан чиқиб келаси йил қазо қилади.

Мавзу: Қирон ҳажи

Режа:

1. Қирон ҳажи баёни.
2. Қирон фазилати.

فصل القرآن افضل مطلقا وهو ان يهلّ بحجّ وعمره من ميقات معا ويقول اللهم اني اريد العمرة والحجّ الى آخره

Қирон афзалдир. У мийқотдан ҳаж ва умрани ният қилиб: “Эй Аллоҳим мен ҳаж ва умрани ният қилдим. Уларни менга осон қил ва уларни мендан қабул қил”, деб айтади.

عن عائشة رضي الله عنها قالت : خرجنا مع رسول الله صلّى الله عليه وسلّم فقال : من اراد منكم ان يهلّ بحجّ وعمره فليفعّل , ومن اراد ان يهلّ بحجّ فليهلّ , و من اراد ان يهلّ بعمره فليهلّ. متفق عليه

Оиша р.а. дедилар: “Расулulloҳ с.а.в. билан бирга чиқдим, айтдилар: Ким агар ҳаж ва умрани ният қилган бўлса қилсин. Ва ким ҳажни ният қилган бўлса қилсин. Ва ким умрани ният қилган бўлса қилсин.”

وظاف للعمرة سبعة اشواط يرمل للثلاثة الاول ويسعى ثم يحجّ كما مرّ

Аввалги учтасида дўкиллаб етти бор тавоф ва сайъ қилади. Сўнг юқорида ўтилгандек ҳаж қилади.

وَذَبِحَ لِلْقَرَانِ بَعْدَ رَمَى يَوْمِ النُّحْرِ وَإِنْ عَجَزَ صَامَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ أُخْرَاهَا عَرَفَةَ
وَسَبْعَةَ بَعْدَ حَجِّهِ إِنْ شَاءَ

Қирон ният қилган қурбонлик кунда тош отганидан сўнг қурбонлик қилади. Агар ожиз бўлса, уч кун арафа кунигача, ҳаждан кейин етти кун хохлаган пайт рўза тутиб беради.

قال الله تعالى : فما استيسر من الهدى فمن لم يجد فصيام ثلاثة أيام في الحجّ وسبعة اذا رجعتم .

“Муяссар бўлган қурбонликни қилсин! Ким (бунга имконият) топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганларингиздан кейин рўза (тутсин!) Ўша роса ўн кундир”. (Бақара 197-оят)

وإن فاتت الثلاثة تعين الدم

Агар шу уч кун тута олмаса, бир қўй сўйишлик вожиб бўлади.

Мавзу: Таматтуъ

Режа:

1. Таматтуъ ҳажи баёни.
2. Таматтуъ фазилати.

والتمتع افضل من الافراد

Таматтуъ муфрид ҳажжидан кўра афзалдир.

وفى حديث جابر الطويل عند مسلم حتى اذا كان آخر طوافه على المروة فقال "لو انى استقبلت من امرى ما استدبرت لم اسق الهدى , وجعلتها عمرة . فمن منكم ليس معه هدى فليحل وليجعلها عمرة "

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда. Расулulloҳ с.а.в охириги тавофларини тугатиб, марвода турганларида шундай дедилар: “Ишни орқага қайтариб билганимда қурбонликни етаклаб келмас едим ва ҳажимни умра билан бошлар эдим”. “ Кимнинг ўзи билан бирга қурбонлиги бўлмаса эҳромдан чиқиб умра ният қилсин”.

وهو ان يحرم بعمره من الميقات في اشهر الحجّ ويطوف ويسعى ويحلق او يقصر ويقطع التلبية في اوّل طوافه

У ҳаж ойларида мийқотдан умрани ният қилиб эҳром боғлайди. Тавоф ва сайъ қилади, сочини олади ёки қисқартиради. Тавофни бошида талбияни тўхтатади.

ثُمَّ يَحْرَمُ لِلْحَجِّ يَوْمَ التَّرْوِيَةِ وَقَبْلَهُ أَفْضَلُ وَحَجٌّ كَالْمَفْرَدِ وَذَبْحٌ

Тарвия куни ҳаж учун эҳром боғлайди, тарвия кунидан олдин боғлашлиги афзалдир. Муфрид каби ҳаж қилиб, қурбонлик сўяди
وان عجز صام كالقران.

Агар қурбонлик сўйишдан ожиз бўлса кирон каби рўза тутади.

وان احرم بسوق الهدى وهو افضل

Агар қурбонликни етаклаб бориш ниятида эҳром боғласа афзалдир.

لا يتحلل ثم يحرم بالحج كما مرّ

Умрани қилиб бўлгандан кейин эҳромдан чиқмайди. Сўнг ҳаж учун эҳром боғлайди. Яъни тарвия куни ҳажни ният қилади
والمكّي يفرد فقط .

Маккаликлар муфрид ният қилишлиги афзал.

Мавзу: Жиноятлар

Режа:

1. Катта жиноятлар баёни.
2. Кичик жиноятлар баёни.

فصل ان طيّب محرم عضوا او ادهن او لبس مخيطا او ستر رأسه يوما او حلق ربع رأسه او عضوا او قصّ اظفار يد او رجل او الكلّ في مجلس او طاف للفرض محدثا او غيره جنبا او افاض قبل الامام او ترك واجبا او اكثره او قدّم نسكا على آخر او آخر طواف الفرض عن ايام النحر او ترك اقله فعليه دمّ

Агар эҳром кийган киши бир аъзосига хушбўйлик сепса, ёки ёғласа, тикилган нарса кийса, бир кун тўлиқ бошини ёпса, сочини 4/1ни олса, бир аъзосини 4/1ни узса, бир қўл ёки бир оёқни тирноғини олса, икки қўл ва оёғини тирноғини олса, фарз тавофини таҳоратсиз қилса, фарздан бошқасини жунуб ҳолда қилса, имомдан олдин арафадан чиқса, бир вожибни ёки кўпроғини тарк қилса, бир амални иккинчисидан олдин қилса, зиёрат тавофини қурбонлик кунидан кечиктирса, зиёрат тавофини озини тарк этса, буларнинг ҳаммасига бир қўй вожиб бўлади.

عن خولة بنت حكيم ، عن أم سلمة قالت : قال صلى الله عليه و سلم لا تطيبن وانت محرمة ، ولا تمسى الحناء ؛ فإنه طيب . أخرجه الطبرانى

Умму Саламадан ривоят қилинди: Расулulloҳ с.а.в дедилар: “Эҳромли ҳолатда хушбўйлик суртмагин ва ҳино ҳам хушбўйликдандир”.

وبترك اكثره بقى محرما حتى يطوف وان طافه جنباً فبدنة

Зиёрат тавофини кўпини тарк этса тавоф қилмагунча эҳромдан чиқмайди. Агар фарз тавофини жунуб ҳолда қилса бир туя сўйиш вожиб бўлади.

وان فعل اقلّ ممّا ذكر او طاف غير الفرض محدثا او ترك القليل من الواجب او حلق راس غيره تصدّق بنصف صاع من برّ

Агар юқоридаги зикр қилинганларни камини қилса, фарз тавофидан бошқасини таҳоратсиз қилса, вожибни озини тарк қилса, бошқа бировни сочини олса, бу ҳолатларда ярим соъ буғдойдан берди.

وان تطيب او حلق بعذر ذبح او تصدّق بثلاثة اصوع طعام على ستة مساكين او صام ثلاثة ايام

Узр билан хушбўйлик сепса, сочини олса, қўй сўяди ёки олтига мискинга уч соъ таом беради. Ёки уч кун рўза тутиб беради.

ووطيه قبل وقوف عرفة افسد حجه ومضى وذبح وقضى ولم يفترقا

Арафада туришдан олдин ватеъ қилса ҳажи фосид бўлади. Ва ҳажни давом эттириб, қўй сўяди. Янаги йил қазосини қилганда эр хотиндан ажралиб юрмайди.

وبعده تجب بدنة وبعد الحلق شاة

Арафадан кейин ватеъ қилса битта туя, сочини олгандан кейин ватеъ қилса бир қўй вожиб бўлади.

Мавзу: Эҳромли кишининг ов қилиш ҳукми

Режа:

- 1. Эҳромли кишининг ов қилиш баёни.**
- 2. Овнинг жазоси баёни.**

وان قتل محرم صيدا او دلّ عليه قاتله يجب جزاؤه اى ما قومه عدلان فى مقتله او اقرب مكان منه

Эҳромли киши бир овни ўлдирса, уни ўлдиришга далолат қилса, ўлдирган жойга яқин бўлган макондан қиймати чиқарилса ёки икки одил киши қийматини чиқариб берса, қийматини тўлаш вожиб бўлади.

عن ابى قتادة فى حديث طويل : انّ رسول الله صلى الله عليه و سلّم خرج حاجا ، فخرجوا معه ، فصرف طائفة منهم فيهم ابو قتادة ، فقال : خذوا ساحل البحر ، فلمّا انصرفوا احرموا الاّ ابا قتادة لم يحرم ، فبينما هم يسيرون اذ راوا حمر وحش ، فحمل ابو قتادة على الحمر ، فعقر منها فاتانا فنزلوا ، فاكلوا من لحمها وقالوا : اناكل لحم صيد ونحن محرومون؟ فحملنا ما بقى من لحم الاتان ، فلمّا اتوا رسول الله صلى الله عليه و سلّم ذكروا ذلك له ، قال : "امنكم احد امره ان يحمل عليها ، او اشار اليها ؟ " قالوا : لا ، قال : "فكلوا ما بقى من لحمها " . رواه البخارى

Абу Қатода айтдилар: “Кишилар Расулуллоҳ с.а.в билан ҳажга чиқдилар ва бир қисмлари Абу Қатода билан денгиз соҳили томон йўл олдилар фақатгина Абу Қатода эҳром боғламадилар. Улар йўлда ёвойи эшакларни кўрдилар. Абу Қатода улардан бирини ушлаб сўйдилар ва хаммалари унинг гўштидан едилар. Айтдиларки биз эҳромдамиз ов гўштини емоқ мумкинми? Шунда улар қолган гўштни Расулуллоҳ с.а.в.ни олдиларига олиб келдилар ва бўлган воқеани айтиб бердилар. Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “сизлардан бирортангиз ов қилишга буюриб, ишора қилдими?” улар йўқ деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ с.а.в дедилар. “қолган гўштни енглар””.

فيشترى به هديا يذبح بمكة او طعاما يتصدق به كالفطرة او صام عن طعام كل مسكين يوما

Ўша пулга бир чорва сотиб олиб Маккада сўяди ёки фитр садақаси каби таомдан садақа қилади. Ёки ҳар бир мискининг таоми ўрнидан бир кун рўза тутиб беради.

وما فضل عنه تصدق به او صام يوما

Ундан ошганини садақа қилади ёки бўлмаса бир кун рўза тутати.

وان نقصه يجب ما نقص

Агар овга нуқсон етказса, етказган қийматини тўлаш вожибдир.

وان اخرجه عن حيز الامتناع او كسر البيض فقيمته

Агар овни ҳимоя қилиш табиатидан чиқарса, оёғини синдирса, тухумини синдирса қийматини тўлайди.

عن كعب بن عجرة : انّ النبيّ صلى الله عليه و سلم فقضى في بيض نعامة اصحابه المحرم بقيمته . رواه عبد الرزاق ، والبيهقي والدار قطنى .

Каъб ибн Ужра дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. эҳромли киши туя куш тухумини синдиргани учун қийматини тўлашликга ҳукм қилдилар”.

Мавзу: Эҳромсиз кишининг ов қилиш ҳукми

Режа:

1. Эҳромсиз кишининг ов қилиш ҳукми баёни.
2. Макка ўсимликлари баёни.
3. Макка ҳайвонлари баёни.

وكذا ان ذبح الحلال صيد الحرم او حلبه او قطع حشيشه او شجرة

Эҳромсиз киши Макка овини сўйса, сутини соғса, ўт ўланларни ўрса, дарахтларни кесса қийматини тўлайди.

الاّ مملوكا او منبتا او جافا ولا يرعى الحشيش ولا يقطع الاّ الاذخر

Мулки бўлса, ўзи чиққан бўлса, қуриган бўлса, қийматини тўламайди. Ўт ўланларга қўйини бокмайди, ва уларни ўрмайди. Лекин изхир номли хушбўй ўсимликни кесиш жоиз.

عن ابى هريرة رضي الله عنه قال: لما فتح الله على رسوله مكة قام النبيّ صلى الله عليه و سلم فيه ، فحمد الله ، واثنى عليه ثمّ قال: "انّ الله حبس عن مكة الفيل ، وسلط عليها رسوله والمؤمنين ، وانها احلت لي ساعة من نهار ثمّ بقى حراما الى يوم القيامة ، لا يعضد شجرها ، ولا ينفر صيدها ولا يختلى خلاها ، ولا تحلّ ساقطتها الاّ لمنشد " .
أخرجه الست

Абу Ҳурайра дедилар: “Макка фатҳ бўлгандан сўнг

Расулуллоҳ с.а.в Аллоҳга шукроналар айтиб дедилар: “Аллоҳ маккани филдан сақлади Маккани расули ва мўминларга берди. Макка менга бир соат кундуздан ҳалол бўлди. Сўнгга то қиёмат кунига қадар ҳаром бўлади, дарахти кесилмайди, ови қочирилмайди, ўсимлиги узулмайди, ва Маккада топилган нарса овоз чиқариб эълон қилган киши учун ҳалолдир””.

**وبقتل قملة او جرادة صدقة وان قُلت ولا شيء بقتل غراب و حداة وعقرب
وحية وفارة وكلب عقور وبعوض وبرغوث وقراد وسلحفاة وسبع صائل**

Бит ва чигирткани ўлдириш билан гарчи оз бўлса ҳам садақа беради. Қарға, лочин, чаён, илон, сичқон, қутирган ит, пашша, кана, маймун, ташбақа, йиртқич ҳайвонларни ўлдирса ҳеч нарса тўламайди.

عن عائشة رضى الله عنها قالت : امر صلى الله عليه وسلم بقتل خمس فواسق فى الحلّ والحرم : الغراب والحداة والعقرب ، والفارة ، والكلب العقور . متفق عليه

Оиша р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. беш нарсани ўлдиришга буюрдилар: хоҳ эҳромли хоҳ эҳромсиз бўлсин; қарға, лочин, чаён, сичқон ва қутурган ит.”

عن زيد بن اسلم : ان رجلا جاء الى عمر بن خطاب ، فقال : يا امير المؤمنين ! انى اصببت جرادات بسوطى وانا محرم ، فقال له عمر : اطعم قبضتا من طعام . اخرجہ مالك فى "الموطأ".

Зайд бин Асламдан ривоят қилинди: “ бир киши Умар р.а. ни олдиларига келиб, мен эҳромдалигимда қамчиним билан чигирткаларга озор етказибман, деди. Умар р.а. унга икки ҳовуч таом садақа қил, дедилар”.

وله ذبح الحيوان الاهلى واكل ما صاده حلال وذبحه بلا دلالة محرم وامره

Эҳромли киши ахли ҳайвонлар(қўй, туя)ни сўйиши, эҳромсиз киши овлаган овнинг гўштидан ейиши, эҳромли кишининг буйруғисиз ва далолатисиз овни сўйиши мумкин.

عن ابى قتادة فى حديث طويل : انه اصطاد حمارا وحشيّا وهو غير محرم و اصحابه محرمون ، فوقعوا فيه يأكلونه ثم انهم شكوا فى اكلهم ايّاه وهم حرم ، فرحنا وخبأت العضد معى فادرکنا رسول صلى الله عليه وسلم فسألناه عن ذالك ، فقال هل معكم منه شي ؟ فقالت : نعم ، فناولته العضد ، فاكلها وهو محرم . متفق عليه

Абу Қатодадан у киши бир ваҳши эшшакни эҳромда бўлмаганларида овладилар ва дўстлари эса эҳромда эдилар ва ҳаммалари ов гўштини едилар сўнгра эҳромдагилар еганларидан пушаймон бўлдилар. Қатода айтдилар: “ҳайвонни бир елкасини ҳимоялаб олиб келдим Расулуллоҳ с.а.в.ни кўрганимизда ўша иш тўғрисида сўрадик. Расулуллоҳ с.а.в. гўштан бирор нарса борми?! дедилар. Ҳа, деб жавоб бердим ва Расулуллоҳ с.а.в.га бердим у киши ўша гўштан едилар”.

Мавзу: Маккага овни киргизиш ҳукми

Режа:

1. Маккага овни киргизиш баёни.
2. Овни сотиш ва сотиб олиш баёни.

ومن دخل الحرم بصيد ارسله و ردّ بيعه ان بقى والاّ جزى كبيع المحرم
صيدا لا صيدا معه اذا احرم ومن ارسل صيدا فى يد محرم ان أخذه حلالا ضمن

Кимки ҳарамга ов билан кирган бўлса уни қўйиб юборади. Сотган ов муштарийнинг қўлида бўлса савдо қайтарилади. Муштарийнинг қўлида бўлмаса худди эҳромли киши овини сотган каби жазосини тўлайди. Мийқотдан эҳромни кияётганда ов ўзи билан бўлса қўйиб юбормайди. Агар эҳромли киши бошқа бир эҳромли кишини овини қўйиб юборса у овни ҳалоллигида ушлаган бўлса, қўйиб юборган киши тўлайди.

وان قتل محرم فكل جزى ورجع أخذه على قاتله

Мухрим киши бошқа бир мухримни овини ўлдирса, уни иккаласи ҳам жазосини тўлайди ва ўлдирган киши ов эгасига яна қийматини беради.

وما به دم على المفرد فعلى القارن دمان الاّ بجواز الوقت غير محرم

Муфрид жинояти учун бир қўй сўяди. Қирон эса жинояти учун икки қўй сўяди. Лекин мийқотдан эҳромсиз ҳолда ўтса бир қўй сўяди.

ويثنّى جزاء صيد قتله محرمان واتّحد لو قتل صيد الحرم حلالان .

Икки мухрим бир овни ўлдирса, қиймати иккилантирилади.

Икки ҳалол киши ўлдирса қийматини иккига бўлиб тўлайдилар.

باع المحرم صيدا او شرّاه بطل ولو ذبحه حرم ولو اكل منه غرم قيمة ما أكل
لا محرم لم يذبحه .

Эҳромли киши овни сотса ёки сотиб олса, савдоси ботил бўлади. Агар сўйса гўшти ҳаром булади ва ундан еса еган миқдор қийматини тўлайди. Уни сўймаган мухрим киши гўшtidан еса еган қийматини тўламайди.

ولدت ظبية اخرجت من الحرم وماتا غرمهما وان ادّى جزاءها ثم ولدت لم
يجزه .

Кийик ҳарамдан қувиб чиқарилганда, кийик туғиб иккаласи ҳам ўлса уларни қийматини тўлайди. Онасининг қийматини тўлагач, сўнг туғса боласининг қийматини тўламайди.

Мавзу: Эҳсор

Режа:

1. Эҳсор баёни.
2. Бадал ҳажи баёни.

فصل ان احصر المحرم بعدوّ او مرض بعث المفرد دما والقارن دميين وعين
يوما يذبح فيه ولو قبل يوم النحر

Эҳром кийган киши душман, беморлик сабабидан ҳаждан тўсилса, муфрид битта, қирон иккита қўй юборади ва сўйиладиган кунни таъйин қилади. Уни қурбонлик кунидан олдин сўйса ҳам жоиздир.

عن ابن عمر انه كان يقول : اليس حسبكم سنة النبي صلى الله عليه وسلم ؟ ان حبس احدكم عن الحج طاف بالبيت وبالصفا والمروة ، ثم يحلّ من كلّ شيء حتّى يحجّ عاما قابلا فيهدى ، او يصوم ان لم يجد هديا . رواه البخارى والنسائى

Ибн Умар р.а. айтдилар: “Сизларга Расулуллоҳ с.а.в.ни суннатлари кифоя эмасми? Ва қай бирингиз ҳаждан тўсилса тавоф, сафо ва марвога саъй қилади сўнгра эҳромдан чиқиб, янаги йил ҳаж қилади. Битта жонлиқ сўяди, жонлиқга қодир бўлмаса, рўза тутеди”.

وفى حلّ لا وبذبحه يحلّ

Ҳарам ва мийқот орасидаги ҳилда юборилган қўйни сўймайди. Уни сўйишлик билан тўсилган киши эҳромдан чиқади.

وعليه ان حلّ من حجّ وحجّ وعمرّة من عمرّة ومن قران حجّ وعمرتان

Тўсилган киши ҳажни ният қилган бўлса янаги йил бир ҳаж ва умра қилади. Агар умра ният қилган бўлса умра қилади. Агар қирон ният қилган бўлса бир ҳаж ва икки умра қилади.

واذا زال احصاره وامكنه ادراك الهدى والحجّ توجهه والا له ان يحلّ

Агар тўсилиш кетса, юборган кўйи ва арафа кунига етиб бориш имкони бўлса, Маккага юзланади. Агар имкони бўлмаса эҳромдан чиқади.

ومنه عن ركني الحج بمكة احصار وعن احدهما لا

Маккада икки рукни (арафа, зиёрат тавофи) қилишдан тўсилган киши эҳсор ҳукмидадир. Икки рукнинг биридан тўсилган киши эҳсор ҳукмида эмас.

ومن عجز فاحجّ صحّ ويقع عنه ان دام عجزه الى موته ونوى عنه ودم الاحصار على الامر

Ҳаж қилишдан ожиз бўлган киши ҳаж қилдирса жоиздир. Ҳажни буюрган кишидан соқит бўлади. Ожизлиги ўлимига қадар бўлса, юборилган киши буюрган кишининг номидан ният қилади ва эҳсор қони эса буюргувчининг бўйнидадир.

عن عبد الله بن الزبير قال : جاء رجل من خثعم الى النبي صلى الله عليه وسلم فقال : انّ ابى ادركه الاسلام وهو شيخ كبير لا يستطيع ركوب الرحل والحجّ مكتوب عليه ، أ فاحجّ عنه ؟ قال : "انت اكبر ولده ؟" قال : نعم ، قال : "ارأيت لو كان على ابك دين قضيته عنه ، اكان يجزئ ذلك عنه ؟" قال : نعم ، قال : "فاحجج عنه " رواه احمد

Абдуллоҳ ибн Зубайр дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в.ни ҳузурларига Хасъам қабиласидан бир киши келди. Отам уловга мина олмайди, қарилар у кишидан ҳаж қилсам бўладими? деди. Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “сен катта ўғилмисан”. Ҳа деб жавоб берди ”. Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Агар отангни қарзи бўлганида берармидинг ва ўша қабул бўлармиди? Ҳа деди! ундай бўлса отангдан ҳаж қил”.

عن ابن عباس رضي الله عنهما انّ امرأة من جهينة جاءت الى النبي صلى الله عليه وسلم فقالت : انّ امّى نذرت انّ تحجّ حتّى ماتت أفاحجّ عنها ؟ قال "نعم، حجي أرايت لو كان على امك دين اكنت قاضية ؟ اقضوا الله ، فالله احقّ بالوفاء " رواه البخارى

Ибн Аббос дедилар: “Жухайна қабиласидан бир аёл Расулуллоҳ с.а.в.ни олдиларига келиб, онам ҳаж қилмоқликни назр этиб вафот этди. У кишидан ҳаж қилайми? деди. Расулуллоҳ с.а.в. ҳа деб жавоб бердилар ва дедилар: “агар онангни қарзи бўлса, тўлармидинг. Аллоҳни қарзини тўланглар у вафога ҳақлидордир””.

والقران والجنایة على الحاجّ وضمن النفقة ان جامع قبل وقوفه

Қирон ва жинойт қони эса ҳаж қилувчининг бўйнидадир. Агар юборилган киши арафадан олдин жимоъ қилса, ҳажни бузганлиги учун пулни эгасига қайтаришлиги лозим.

وان مات فى الطريق يحجّ عن منزل أمره بثلاث ما بقى لا من حيث مات .

Агар ҳажга боровчи йўлда ўлса, ўз уйидан қолдирган 3\1 меросидан ворислари бошқа кишини юборади. ўлган жойидан эмас.

Мавзу: Қурбонлик

Режа:

1. Қурбонликга сўйиладиган ҳайвонлар баёни.
2. Қурбонлик гўштидан ейишлик баёни.

ولا يجوز للهدى الا جائز التضحية واكل من هدى تطوع ومتعة وقران فقط
وخصّ بيوم النحر لا غيرهما

Қурбонлик қилиш учун қурбонликка яроқли чорпо бўлиши керак. Сўйилган нафл, таматтуъ, қирон гўштидан эса бўлади. Қирон билан таматтуъга қурбонлик қунида сўйишлик хос қилинди. Бу иккаласидан бошқалари эса бошқа вақтда сўйса бўлади.

عن ابى جمرة قال : سألت ابن عباس رضي الله عنهما عن المتعة فامرني بها وسألته عن الهدى فقال : فيها جزور او بقر او شاة او شرك في دم . رواه البخارى

Абу Жамра дедилар: “Ибн Аббосдан мутъа тўғрисида сўрадим. У киши рухсат бердилар ва қурбонлик ҳақида сўрадим. Расулуллоҳ с.а.в. айтдилар: “туя, сигир, қўй ёки жонлиқда шериклик бўлса ҳам бўлади””.

عن جابر في حديثه الطويل ثم انصرف الى المنحر فنحر ثلاثا وستين بيده ، ثم اعطى عليّا فنحر ما غبر ، واشركه فى هديه ، ثم امر من كلّ بدنة ببضعة فجعلت فى قدر فطبخت ، فاكلوا من لحمها و شربا من مرقها . رواه مسلم

Жобир р.а. дедилар: “Расулуллоҳ с.а.в. қурбонлик сўйиладиган жойга бориб, ўз қўллари билан 63та жонлиқ сўйдилар сўнг Алий р.а.га бердилар, қолганини у киши сўйди. Расулуллоҳ с.а.в. у кишини қурбонликга шерик қилдилар. Сўнгра ҳар туядан бир оз гўшт олиб қозонга солиб пиширишликни буюрдилар ва икковлари қурбонлик гўштидан еб шўрвасидан ичдилар”.

عن نافع عن ابن عمر رضى الله عنهما : لا يأكل من جزاء الصيد والنذر ، ويأكل ممّا سوى ذلك رواه البخارى

Ибн Умар р.а. дедилар: “Назр ва жинойт учун сўйилган жонлиқдан ейилмайди ва бундан бошқаларидан эса бўлади”.

والكل بالحرم وتصدق بجله وخطامه ولا يعطى اجر الجزار منه

Барчаси ҳарамда сўйилади. Эгари билан арқони садақа қилинади. Ва қассобнинг ҳаққини қурбонликдан бермайди.

عن علي رضي الله عنه قال: امرني النبي صلى الله عليه وسلم ان اقوم على بدنه واقسم جلودها وجلالها ، وامرني ان لا اعطى الجزار منها شيئا. وقال نحن نعطيهِ من عندنا . اخرجه ابو داود، مسلم

Али р.а. дедилар: Расулуллоҳ с.а.в. “Қурбонликни терисини ва жунини тақсимлашликга ва қассобни ҳаққини ундан бермасликга буюрдилар” Али р.а. дедилар: “Қассобни ҳаққини ўзимиздан берардик”.

ولا يركب الا ضرورة ولا يحلب وما عطب او تعيب بفاحش ففي الواجب ابدله والمعيب له

Қурбонлик чорпоҳини зарурият учун минса бўлади ва соғилмайди. Қурбонлик чорпоҳи йўлда ҳалок бўлса, айбли бўлса, айблисини ўзига олиб уни ўзгартириши вожибдир.

عن ابي الزبير سمعت جابر بن عبد الله سال عن ركوب الهدى ، فقال سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول : "اركبها اذا الجئت اليها حتى تجد ظهرا " رواه مسلم

Абу Зубайр дедилар: “Жобир р.а.дан қурбонлик уловига минишлик тўғрисида сўради. Жобир р.а. дедилар Расулуллоҳ с.а.в. шундай дердилар: “Унга зарур бўлса мингин то бошқасини топгунингча”.

و ان شهدوا بالوقوف قبل وقته قبلت لابعده

Арафадан олдин арафага турибсизлар деб гувоҳлик берсалар, гувоҳликлари қабул қилинади. Арафа вақтидан кейин арафада турибсизлар деб гувоҳлик берсалар қабул қилинмайди.

من نذر حجًا مشيًا مشى حتى يطوف الفرض .

Кимки пиёда ҳаж қилишни назр этса пиёда ҳаж қилиш вожиб бўлади. Ҳатто фарз тавофини адо қилгунича.

عن عكرمة عن ابن عباس : انّ عقبة بن عامر سأل النبي صلى الله عليه وسلم فقال : انّ اخته نذرت انّ تمشى الى البيت وشكا اليه ضعفها، فقال النبي صلى الله عليه وسلم : "انّ الله غنى عن نذر اختك ، فتركب ولتهد بدنة". رواه احمد

Ибн Аббос дедилар: “Уқба ибн Омар расулуллоҳ с.а.в.дан сўрадилар” “синглим пиёда ҳажга боришни назр этибди, “уни пиёда боришликга қуввати етмайди.” Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Аллоҳ синглингни назридан беҳожатдир уловга минсин ва бир туя сўйсин”.

Мундарижа

1.	Муқаддима.....	2
2.	Ҳаж китоби.....	3
3.	Ҳажнинг шартлари.....	3
4.	Ҳажнинг фарз ва вожиблари.....	5
5.	Мийқотлар.....	6
6.	Эҳромда манъ қилинган амаллар.....	9
7.	Тавофи қудум.....	10
8.	Сафо ва марво.....	12
9.	Мино ва арафа.....	13
10.	Муздалифа.....	14
11.	Тош отиш.....	15
12.	Аёллар ҳажи.....	18
13.	Қирон.....	19
14.	Таматтуъ.....	20
15.	Жинойтлар.....	21
16.	Эҳромли кишининг ов қилиш ҳукми.....	22
17.	Эҳромсиз кишининг ов қилиш ҳукми.....	24
18.	Маккага овни киргизиш ҳукми.....	26
19.	Эҳсор.....	27
20.	Қурбонлик.....	29
21.	Фойдаланилган адабиётлар.....	32